



Ҳадисада Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Амалларнинг қайсиниси энг афзал?» деб сўралди. «Аллоҳ ва Расулига иймон келтириш», дедилар. «Ундан кейин қайсиниси?», дейилди. «Аллоҳ йўлида жиҳод қилиш», дедилар. «Ундан кейин қайсиниси?», дейилди. «Мабур (яъни, мақбул) ҳаж», дедилар (Муттафақун алайҳ). .

Ҳадисада Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: «Ё Расулуллоҳ, жиҳод амалларнинг энг афзали деб биламиз, биз ҳам жиҳод қилсак бўлмайдими?» деб сўрадим. «Йўқ, (сизлар учун) энг афзал жиҳод мабур ҳаждир», деб жавоб бердилар (Имом Бухорий ривояти).

Ҳадисада Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: «Ким Аллоҳ учун ҳаж қилиб, «Ҳадисада Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Ким Аллоҳ учун ҳаж қилиб,



ёмон сўзларни сўзламаса ва фосиқлик қилмаса, (уйига) онадан янги туғилгандек (гуноҳсиз) қайтади» (Имом Бухорий ривояти).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳуда ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Умра кейинги умрагача ўртадаги гуноҳларга каффоратдир. Мабур ҳажнинг жаннатдан бошқа мукофоти йўқдир» (Имом Бухорий ривояти).

Шарх:

Мабур ҳаж – нуқсонлардан ва ажрини камайтирадиган ишлардан саломат бўлган ҳаж бўлиб, у энг улуғ амаллардан ва Аллоҳга энг суюмли ибодатлардандир. Унинг соҳибига Аллоҳ таоло улкан ажру-савоблар ва гуноҳларнинг кечирилишини ваъда қилган. Мабур ҳаж эгаси уйига онасидан туғилган кундаги каби гуноҳсиз қайтади.

Бүгүнги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Ҳажнинг фазли ва эътиборининг улуғлиги;
 2. Мабур ҳаж гуноҳларнинг каффоратига сабабдир;
 3. У жаннатта кириш сабабларидан.